



ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONGA ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2011 йил 5-6 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Туркменистон: Азалий дўстона қўшничилик алоқалари ва ҳамкорликни муштақамлаш йўлида

Ўзбекистон ва Туркменистонни асрлар давомида яқин маънавий қадриятлар, тил, дин, тарих, урф-одат ва анъаналарга асосланган муштақам дўстлик ришталари ва яхши қўшничилик боғлаб туради. Қардош ўзбек ва туркман халқлари бир-бирининг адабиёти, маданияти ва санъатини яқиндан билади ва ҳурмат қилади. Аждодларимизнинг бой мероси ўзбек ва туркман халқларининг умумий бойлигидир. Бу омиллар турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатларимиз муштақилликка эришган, икки давлат ўртасидаги анъанавий ишонч ва дўстликка асосланган алоқалар янги замон руҳида ривожланиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришни икки мамлакат ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган. Икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган самимий ва ишончга асосланган муносабат, турли даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар бунинг яққол далилидир.

1991 йилдан ҳозирги пайтга қадар икки мамлакат раҳбарларининг 11 марта олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Туркменистон Президенти Ўзбекистонга 6 марта келган бўлса, Ўзбекистон Президенти 5 бор Туркменистонга ташриф буюрган. Маъмур ташрифлар чоғида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар

амалга ошиши учун партия фаоллари қатор ташаббусларни илгари сурмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Марказий банк ва етакчи тижорат банклари ҳамкорлигида навбатдаги иқтисодий форумни ўтказди.

Андижон шаҳрида ўтган «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусидаги анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ва партия мамлакат раҳбарларининг муносабати яқинда томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилишларини тасдиқладилар ва икки дўст давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлари механизмларини ривожлантиришга интилишини таъкидладилар.

Форум доирасида бир қатор тadbирлар ташкил этилди. Электорат вакилларининг иқтисодий билимини ошириш, тadbиркорлик фаолиятини бошлашига қўмаклашиш мақсадида ўқув ўтказилди. Унда банклар кредитлари эвазига кўплаб янги иш ўринлари яратилаётгани таъкидланди. Ижтимоий химояталаб аҳоли оилавий тadbиркорлик ёки касаначилик фаолиятини ташкил этиши учун уларни молиявий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари, кичик бизнес, оилавий тadbиркорлик ва бошланғич сармояларни шакллантиришга кредитлар ажратиш қоидалари каби масалалар буйича батафсил ах-

борот берилди.

Айтиш ўринлики, ХДП фаоллари вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида Марказий банк ва тижорат банклари кўмагида кредит олишга ҳамда янги иш ўринлари яратишга бел боғлаган электорат вакилларини аниқлаш ишларини олиб борди. Вилоятнинг ҳудудий ривожланиш дастури ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ўз ишини бошлашни хоҳлаган аёллар, ёшлар, хусусан, касб-хўнар коллежлари битирувчилари тақдим этган бизнес лойиҳалар ўрганиб чиқилди. Истикболли деб топилган бизнес-режаларнинг 60 таси муаллифига тижорат банкларидан имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини кафолатловчи сертификатлар топширилди.

Форум доирасида бугунги кунда ўз ишини бошлаган электорат вакиллари ишлаб чиқарётган маҳсулотлар кўрсаткичи ҳамда тижорат банк-

лари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича методик услубий қўлланмалар намойиши ташкил этилди. Шунингдек, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Андижон вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Кўчма жамоатчилик қабулхонасида эса ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фуқароларни қабул қилишди. Бу тadbирларнинг барчаси партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни бевосита амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Форум доирасида ташкил этилган тadbирларнинг тафсилоти ҳақида гажетаимизнинг кейинги сонларида ҳикоя қиламиз.

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эътироф

Тошкентда ўтган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясига бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасига технологиялар ва инновацияларни жорий этишнинг аҳамиятини бағишланган маъруза билан иштирок этдим. Айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик янги технологияларни кенг жорий этиш мумкин бўлган энг омма-лашган соҳалардандир. Мен Ўзбекистонда турли жаҳбаларда амалга оширилаётган ислохотларни кузатиб бораман. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини аввалбошдан тўғри таллашган. Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, тadbиркорлар фаолиятини қўлаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Президент Ислам Каримов томонидан 2011 йилнинг Ўзбекистонда Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили, деб эълон қилиниши бунинг ёрқин ифодасидир».

Эдгар КЛОЗЕ,
Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўлаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор (Германия)

Янгилик

Опера санъати байрами

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Тошкент баҳори» иккинчи халқаро опера санъати фестивали якунланди.

Ун кун давом этган мазкур фестивалда юртимиз опера санъатида эришилган ютуқ ва янгиликлар санъат ихлосмандларига намойиш этилди. Форумда юртимиз опера усталари билан бирга, Болгария, Италия, Озарбойжон, Беларусь, Украина сингари мамлакатлардан тажрибали опера ижрочилари иштирок этди.

Фестивалнинг ранг-баранг тadbирлари, ижодий мулоқот ва учрашувлар, концертлар, спектакллар намойиши санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.



Қутлаймиз!

«Олтин қалам» Миллий мукофоти билан тақдирланган журналистлар орасида «Ўзбекистон овози» газетасининг «Партия ҳаёти» бўлими мудири, истебодди ёш ҳамкасбимиз Бехзод Шукуров ҳам бор. У сиёсий партиялар фаолиятига бағишланган туркум мақолалари учун «Энг яхши журналистик материал учун» мукофотига сазовор бўлди. Ҳамкасбимизни бу юксак эътироф билан қутлаймиз ва унга ижодий парвозлар тилаймиз.

Эркинлик ва масъулият муштараклиги

«Туркистон» саройида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини муштақамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислохотларни оммага оқиб ва холис тарзда етказиш — давр тақозоси.

Муштақиллик йилларида миллий журналистика сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган алоҳида эътибордан мақсад ҳам халқнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада муштақамлашни таъминладилар. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлагандек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз муштақиллигини муштақамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқ-

ни қорандан ажратишга, аҳолиимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз хиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 2 май куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов голибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда яна бир бор ўз ифодасини топди. Тadbирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпурс вакиллари, депутатлар, сенаторлар,

фахрий журналистлар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси раиси Шерзод Фуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бугун юртимизда 1 минг 226 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 649 таси нодавлат секторга тегишлидир.

⇒ 3

Жамоатчилик назорати таъсирчанлиги

давлат ҳокимияти органларининг самарали ишлашини таъминлайди



Парда ЮЛДАШЕВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси

Муштақиллигимизнинг дастлабки йилларидан давлат зиммасидаги муайян вазифаларни аста-секинлик билан, босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтлари ваколатига ўтказиш, ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

⇒ 2

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 3 MAIDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1853,43	1 Миср фунти	285,08	1 СДР	2747,20	10 Жанубий Корея воени	15,88
1 Англия фунт стерлинги	2825,57	1 Канада доллари	1787,76	1 Туркия лираси	1113,46	10 Япония иенаси	208,05
1 БАА дирхами	461,46	1 Хитой юани	261,16	1 Швейцария франки	1952,76	1 Россия рубли	61,62
1 АҚШ доллари	1694,80	1 Малайзия рингити	572,37	1 Евро	2490,30	1 Украина гривнаси	212,77

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Жамоатчилик назорати таъсирчанлиги

давлат ҳокимияти органларининг самарали ишлашини таъминлайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маълумки, жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллик юксалиши, кишиларнинг ҳаёт фаровонлиги ошиши, шу эзгу мақсад йўлида одамларнинг жипслашиши, эл-юрт равнақини кўзлаб ҳамжихат ҳаракати қилиши кучли фуқаролик жамиятининг асосий таянчидир. Шунга мувофиқ инсон ҳуқуқ ва эркинликлар устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини қонуний кафолатлаш борасида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Мухими, бу эзгу иш босқичма-босқич, тадрижий асосда изчил давом этмоқда.

тизимли ва самарали ҳуқуқий механизми яратишга алоҳида эътибор берилган. Бу борада «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш тақдир этилган.

Ҳуш, жамоатчилик назорати нима? Унинг такомиллаштириш жамият учун қандай манфаат келтиради?

Маълумки, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда давлат бошқаруви органлари зиммасига аниқ вазифалар юкланган. Уларнинг изчил ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратининг кучайиши давлат ҳокимияти органларининг янада самарали ишлашига замин яратади.

Улар бекаму кўст бажарилишдан одамлар, энг муҳими, жамият манфаатдор. Аммо афсуски, бундай дастурлар ижроси ҳамма жойда ҳар доим тўлиқ бажарилади, деб бўлмайди. Шу боис бу ўринда жамоатчилик назорати кучайиши муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мазкур институтнинг таъсирчан ишлаши жойларда юзага келган масалаларни ҳал қилишга кенг жалбаб бўлади. Бу тарихи жамият миқёсида фикрлаш, шунга яраша фаоллик кўрсатиш кўникмаси шаклланади. Шу маънода, давлат ҳокимияти

да жамоатчилик назоратининг қандай амалга оширилиши, унинг тур ва шакллари, субъектлари тўғрисида аниқ тушулча берилиши, назорат предмети, уни амалга оширишнинг мақбул ва таъсирчан механизмлари, аниқ пайтда, ҳуқуқий шартлари кўрсатилиши зарур. Қолаверса, унда қонун ва меъёрий ҳужжатларни ижро этмагани ёки масъулиятсизлик билан қарагани учун мансабдор шахслар жавобгарлигини оширувчи меъёрлар аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, бу борада зарур кўникма шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутди. Чунки бу институтлар жамиятнинг муайян қатлами манфаатини ўзида ифода этади, аниқ пайтда, қонуний ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш кўникмаси шаклланиши, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришида ҳаётий аҳамият касб этади.


Ҳозир мамлакатимизда турли соҳа ва йўналишлар бўйича 5000 дан ошиб қолаётган нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу катта куч, улкан салоҳият. Улар амалий ишлари ва

ташаббуслари билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўиши табиий. Демак, жамоатчилик назорати ўрнатилиши ҳуқуқий асосларини кафолатлашга доир қонунда мазкур институтлар ҳуқуқий шарт-шароитини янада кучайтиришга эътибор бериш лозим.

Фуқаролик жамияти институтларининг жамиятда мавқеи ошгани сайин давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг самарали ишлаши бўйича таъсирчан жамоатчилик назорати юзага келади.

Кўриб турганингиздек, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми мукаммал бўлиши, унда назорат ўрнатиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муносабат ва ҳуқуқий ҳолатлар ҳисобга олиниши ва барча меъёрлар белгилаб қўйилиши керак.

Жамоатчилик назорати институтининг такомиллаштириш жойларда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ кўлаб масалалар ўз ечимини топишида, яъни аҳоли фаоллиги ва ташаббусли кучайишида муҳим аҳамият касб этади. Бу, партияимиз дастурий мақсадларига тўла мувофиқдир.



Ашхобод шаҳри

Ўзбекистон — Туркменистон:

Азалий дўстона қўшничилик алоқалари ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик оид долзарб йўналишларни қамраб олган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 150 дан ортиқ халқаро шартномалар икки мамлакат муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан қўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган транзитчилик жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига яқин ва ўхшашдир. Халқаро ташкилотлар доирасидаги, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги амалий ва самарали манфаатлари мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўрта Осиёдаги сув-энергетика соҳасидаги муаммоларга оид масалалар бўйича ушбу муаммоларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари асосида, минтақавий барча мамлакатлари манфаатлари ва розилигини инобатга олган ҳолда муҳофаза этиш лозим, деган қатъий умумий позицияни намойён этмоқда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Жорий йилнинг февраль ойда навабдаги, олтинчи мажлиси ўтказилган Ўзбекистон — Туркменистон Ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг самарали фаолияти ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзаро товар айланмаси ҳажми кўрсатди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, ҳалқамлар ҳайъати аъзоси Назира Матяқубова. — Уларнинг юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, амалга оширилаётган ислохотлар, сиёсий жараёнлардан яхши хабардор эканидан мамнун бўлдим.

Танловда Чилонзор туманидан Адиба Аҳмадзонова иккинчи, Яққасарой туманидан Абдураҳимов Бўтаев учинчи ўринни эгаллади. Иштирокчилар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулурух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифа

Миробод туман партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида белгилаб олинган вазифалар бажарилиши муҳофаза қилинди.

Туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Василий Воргудяев кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди. — Президентимиз Концепцияда илгари сурган гоя ва ташаббуслар сиёсий партиялар имкониятини янада кенгайтиради, ўз электорати манфаати йўлида амалий иш қилиши учун қулай шароит яратади, — деди у. — Шу боис, партияимизнинг ҳар бир аъзоси, депутатлар бу ҳужжатни чуқур ўрганиб, ундаги гояларни рўёбга чиқаришда жонбозлик кўрсатиши керак.

Пленумда ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил этилди. Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишда бошланғич

партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Пленумда муҳофаза қилинган масалалар бўйича Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов, «Фаол аёллар» қаноти туман бўлими етакчиси Дилором Мансурова, 1-оилавий поликлиника қошидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Татьяна Молдавцева ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Василий Воргудяев туман партия кенгаши раиси этиб сайланди.

(Ўз мухбиримиз).



«ЎзХДПда Ёш сиёсатчи — 2011»

Фарзандлар камоли Ватанга қудрат бағишлайди



Асл фарзандлар ҳар доим Ватанга иқбол тилайди, унинг келажаги йўлида бутун куч-ғайрати, керак бўлса, умрини бағишлашга тайёр бўлади. Ватан эса улар камолдан шон-шавкат ва қудрат топади.

ЎзХДП сафидаги йигит-қизларни ҳам ана шундай ёшлар қаторига қўиши мумкин. Улар аниқ пайтда Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти, партия дастурий гояларини тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда. Бунда, айниқса, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Куни кеча танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. 12 нафар иштирокчи 4 та шарт бўйича ўз билим ва иқтидорини синаб кўрди. — Бу йилги танлов юксак савияда ўтказилди, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти шаҳар бўлими етакчиси Жуманов Жуманович. — Танловга қизиқувчилар сони ҳам

тобора ортиб бораёпти. Ўтган йили шаҳар миқёсида 4000 нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 5000 нафарни ташкил этади. Ёшларнинг танловдаги фаол иштироки қанотнинг қай даражада фаолият олиб бораётганини кўрсатди. Айрим шартларда яхши балл тўплай олмаган иштирокчилар ҳам бўлди. Бу — қанотнинг туман бўлимида ишлар суэт эканини билдиради. Эндиги вазифамиз бундай туманлар билан янада яхшироқ иш олиб бориш ва уларни фаолликка ундашдан иборат.

Куйи механика заводиди ишлайман, — дейди танлов голиби Фарҳод Илҳомов. — Заводимизда партиянинг бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Унинг аъзолари Бектемир туман кенгаши билан бирга, турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Партияга аъзо бўлганлар қатори мен ҳам йилларда иштирок этман. Ўтган йилдан буён партия сафидаман. Бугунги танловдаги муваффақиятим туманда ўтказилган ана шундай тадбир, сиёсий ўқув, давра суҳбатларининг самараси, деб биламан. Энди республика босқичида ҳам муносиб қатнашишга ҳаракат қиламан.

— Танлов сафимизда қанчалик билимли, иқтидорли, изланувчан ёшлар борлигини кўрсатди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, ҳалқамлар ҳайъати аъзоси Назира Матяқубова. — Уларнинг юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, амалга оширилаётган ислохотлар, сиёсий жараёнлардан яхши хабардор эканидан мамнун бўлдим.

Танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи ҳам юксак савияда ўтди. Ҳар бир иштирокчи чуқур билим ва иқтидорга эга эканини намойиш этди.

— Танловнинг саралаш босқичида кўлаб истеъодлар кашф этилгани қувонарли, — дейди вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Иброҳим Ёқубов. — Унинг нуфузи йилдан-йилга ошмоқда.

Тадбирда ҳақамлар ҳайъати тегишли шартлар бўйича иштирокчилар чиқишини баҳолаб боришди. Денос туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўритувчиси Наргиза Мустафоева 1-ўринни қўлга киритди. 2 ҳамда 3-ўринлар Жарқўрғон маҳаллий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабаси Сайёра Жабборова билан Термиз туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби иш ўритувчиси Хосият Ҳайдаровага насиб этди.

— Бу эътибор ҳукуматимиз ёшларга яратган шарт-шароитлар тўғрисида, — дейди Наргиза Мустафоева. — Голиблик менга янада масъулият юкледи. Кўрик-танловнинг республика босқичига ҳам жиддий тайёргарлик кўраман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Жаҳон» АА.

1 май, соат 19.30. Мухташам «Сурхон» спорт мажмуаси байрамона безатилган. «Баркамол авлод — 2011» республика спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида иштирок этиб...



Раҳмат Термиз, кўришгунча Наманган!

Термиз шаҳрида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари республика финал босқичи зўр муваффақият билан ўтказилди

Энг ҳаяжонли дақиқалар — голибларни тақдирлаш маросими бошланди. Қизгин курашлар остида ўтган мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоаси энг юксак соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мажмуаси «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаси иштирокчиларига табригининг асл нусхаси, олтин медаль ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

спорт мажмуаси шаҳарга узук-ка кўз қўйгандек ярашибди... Ўшбу спорт мусобақасини кўтаринки руҳда ва катта шодидна тарзида нишонлаш учун қадимий Жайхун бўйида талай хайрли ишлар амалга оширилди. Ўтган қисқа давр мобайнида вилоят марказида ўндан ортқ янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Президентимиз Ислом Каримов ўшбу мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларга, меймор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳомиш қўшган мутасадди ҳамда хомий ташкилотларга, бутун Сурхон аҳлига миннатдорлик изхор этгани барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Мезбонлар томонидан барча шароитлар яратилгани бизни хурсанд қилди, — дейди навоийлик спортчи Нисора Жаниева. — Камчилик ва муаммолар бўлган йўқ. Меҳмондўст Сурхон халқига барча спортчилар номидан раҳмат дейман! Спортчи дўстларимни эса ғалабалари билан табриқлайман...

«Кичик олимпиада»нинг катта ҳаяжонлари

«Баркамол авлод — 2011» республика финал босқичини интиқлик билан кўтдим, — дейди Урганч Олимпия коллежи 3-босқич ўқувчиси Мансурбек Равшанов. — Термиз шаҳри менда катта таассурот қолдирди. Шинан ва кўркам спорт иншоотлари, бетакрор қурилишлар қадим юртининг кўрғига янада тароват бахш этгандек. Бу ерда ўз кучимни сынаб кўриш баробарида кўплаб дўстлар ҳам орттирдим.

Юртбошимизнинг мусобақалар олдида шаҳримизга ташрифи бизга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади, — дейди Қумқўрғон агросаноат касб-хунар коллежи 1-босқич ўқувчиси Даврон Эргашев. — Биз ёшларга билдирилган ишончдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бизнинг воҳа ёшлари ҳам нафақат республика, балки хориж давлатлари тан олган спортчилар диёрига айланишини хоҳлардим.

Зеро, бунинг учун бизда барча имконият етарли. Мусобақаларга янада кучли тайёргарлик кўриб, келгусида жаҳон ва Олимпия чемпионолари бўлиб етишиш эндиликда эзгу мақсадимга айланган... — Спорт менинг ҳаётимда муҳим ўрин тутди, — дейди олтин медаль соҳиб-

би, қорақалпоғистонлик Мийирбек Абдуҳолиқов. — Бизнинг республикамизда 2008 йилда ўтган мусобақалар ҳам ёшларда илиқ таассурот қолдирганди. Термизда яқунланган беллашувларда ҳам кўплаб дўстлар орттирдим. Юртбошимизнинг табриклири барчамизга куч-ғайрат ва шижоат бахш этди. (Ўз мухбиримиз)

MUASSIS: OZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Muhiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad SAIDAHMAD, G'affor HOTAMOV, Saidahmad SAIDAHMAD, RAHIMOV

Кўхна ва боқий Бухорода санъат байрами

Бухоро шаҳрида 30 апрель — 1 май кунлари «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида озод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар миллий маънавиятимизни тиклаш ва юксалтириш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, изчил ривожлантириш билан уйғун тарзда олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида кўхна ва боқий Бухоро шаҳрида ўтказилган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Санъат байрами доирасида «Ўзбекистон архитектура дурдоналарининг эпиграфикаси» илмий китобнинг тақдими бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг маънавий меросимизни ўрганишга оид лойиҳалари доирасида нашрга тайёрланган ўшбу рангли фотосуратли китобда юртимиздаги нодир ёдгорликлар, мейморий мажмуаларнинг расмлари, уларнинг тарихи, битик ва ёзувларининг маъно-мазмун хусусида атрофлича шарҳлар келтирилган.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Jamoatchilik bilan aloqalar, Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda no'yxatga olingan.